

# ДЕҲҚОНЛАР УЧУН ЯНГИ МАШИНАЛАР

**Б**айрамларни кўтаринки кайфият ва салмоқли натижалар билан кутиб олиш, тўйга тўёнлар билан келиш халқимизнинг азалий урф-одатларидан биридир. Фермерларимиз, агрокластерлар ва кооперативлар томонидан барпо этилган улкан пахта ва ғалла хирмонлари, элимиз дастурхонига тортик этилган сархил мевалар, поллиз, гўшт ва сут маҳсулотлари шуқуҳли байрамимиз – Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига муносиб тухфа бўлди.



Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг олимлари ҳам 19 та фундаментал, амалий, инновация ва тажриба-конструкторлик лойиҳалари доирасида тадқиқотлар олиб бориб, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган бир қатор янги машиналар ва қурилмаларни яратдилар.

Тадқиқотлар яқунлари билан бешта ишланма Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тижоратлаштиришга тавсия этилди: “Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини тозалаш учун универсал қурилма” (қўл меҳнатига барҳам берилади, иш унуми ошади); “Тупроққа кўрсатадиган босими тез ва енгил ростланадиган кенг қамровли осма мола-текислагич” (иш унуми 1,5 марта ортади, меҳнат ва ёнилғи сарфи камаяди); “Ўза майдонларига трихограмма тарқатишнинг механизациялашган технологияси” (1 соатда 20 гектарга трихограмма тарқатилади); “Бир ўтишда ўза тўпларидаги ҳосилнинг 96-98 фоизини териб оладиган пахта кўсақларига интенсив ишлов берувчи экспортбоп терим аппарати” (пахта теримида қўл меҳнатига чек қўйилади); “Тўрт қаторли пахта териш машинасини яратишга доир тажриба-конструкторлик ишларини бажариш” (иш унуми ошади).

Шунингдек, илмий жамоамизнинг сўнгги йилларда эришган натижаларидан айримларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Кенг қамровли сеялкалар, култиваторлар ва штангали пуркагичлар билан агрегатланадиган тўрт ғилдиракли агрегатчилик трактори амалдаги чопиқ ва транспорт тракторларининг ўрнини босади. Баланд клиренсли портал боғдорчилик трактори интенсив

типдаги мевали дарахтларнинг устида ҳаракатланиб, механизмлар ёрдамида уларга ишлов беради.

Экинлар қатор оралари тупроқларига ишлов берувчи ва ўғит солувчи комбинациялашган агрегатнинг ишчи органлари тез ростланади ва осон алмашади, демакки, меҳнат харажатлари камаяди.

Соя ўсимлигини парваришнинг ресурстежамкор механизациялашган технологиялари ва уларни қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналарнинг конструкциялари ишлаб чиқилди. Яқин келажакда қўл меҳнатига чек қўйилиб, иш унумини кескин ошиши таъминланади.

Боғ ва узумзорлар қатор ораларидаги тупроққа сифатли ишлов берилишини таъминлайдиган машиналарнинг энергиятежамкор намуналари таклиф этилди ва уларнинг параметрлари асосланди, соҳани ривожлантиришнинг техник асослари барпо этилди.

Чўл чорвачилиги учун табиатни асровчи, энергия ва ресурстежамкор машиналашган технологиялар ва уларни амалга оширувчи техника воситаларини яратишнинг, тупроққа ишлов бериш машиналари ишчи органларининг юриш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий-методологик тамойилари яратилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш концепцияларидан келиб чиққан ҳолда яратилган соҳа тармоқларини комплекс механизациялашни таъминлайдиган истиқболли машиналар ва технологиялар тизими олимлар, конструкторлар ва машинасозлар учун илмий тадқиқот

мавзуларини танлаш ва бажаришда, янги машиналарни лойиҳалаш ва ясаш жараёнларида дастуриамал вазифасини бажарди.

Ёш олимлар томонидан такомиллаштирилган электр саралагич қурилмаси дуккакли экинлар уруғларини сифатини ва унувчанлигини оширишни таъминлайди.

Институтнинг докторантлари олиб борган тадқиқотлар натижасида сабзавотчилик трактори билан агрегатланадиган махсус плуг, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини қобиқлаш технологияси, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари учун турли хилдаги илдиз-меваларни қовлайдиган универсал ва содда машина, терим аппарати технологик жараёнида тўкилаётган пахталарни тутиб қолувчи қурилма конструкциялари яратилди, уларнинг тажриба нусхалари ясалди ва фермер хўжаликлари шароитида дала синовларидан ўтказилди. Булар ўз навбатида докторлик диссертацияларини қисқа муддатларда ҳимоя қилишга ҳам ёрдам беради.

Институт олимлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида механизация даражасини ошириш, машиналашган технологиялар ва техника воситаларининг янги ва юқори самарали намуналарини яратиш, уларни тижоратлаштириш, фермер хўжаликлари ва агрокластерларда машиналардан самарали фойдаланиш йўналишларида истиқболли илмий инновацион ишларни режалари равишда амалга ошириб боради – тўй тўйдек, тўёна тўёнадек бўлади.

**Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ,**  
профессор (ҚХМИТИ)